



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 15 январь, № 10 (8905)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённинг таклифига биноан расмий ташриф билан Абу-Даби шаҳрида бўлиб турибди.



14 январь куни давлатимиз раҳбари «Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги» халқаро саммитининг очилиши ҳамда

барқарор ривожланиш соҳасида Шайх Зоид номидаги мукофотни топшириш маросимида иштирок этди.

Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги — бу 2008 йилда БАА ҳукумати ва «Masdar» компанияси томонидан барқарор ривожла-

ниш соҳасидаги глобал муаммоларни ҳал қилиш учун ташкил этилган халқаро платформадир. Форумнинг мақсади жаҳонда барқарор тараққиётни жадаллаштириш, иқтисодий, ижтимоий ва экологик ривожланишга қўмаклашиш, озиқ-овқат ва сув хавфсизлигини таъминлаш, энергия тежамкорлиги ва карбонсизлантиришни илгари суришдан иборат.

Бу галги саммит кун тартибига «яшил» иқтисодиёт соҳасида барқарор тараққиётни таъминлаш, инновациялар ва янги технологияларни жорий этиш, энергетика ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари киритилган.

Форум доирасида Амирликлар асосчиси — марҳум Шайх Зоид Ол Наҳаён номи билан аталувчи барқарор ривожланиш соҳасидаги ютуқлар учун мукофот билан тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди. Бу галги мукофотнинг «Глобал ўрта мактаблар» номинациясида Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ғолиб деб топилди.

Мукофотни Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён топширди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мактаб вакиллари билан учрашиб, уларни ғалаба билан қизгин табриклади.

Давлатимиз раҳбари «Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги» саммитида нутқ сўзлади.

Саммитда Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони, Малайзия Бош вази-

ри Анвар Иброҳим, Финляндия Республикаси Бош вазири Петтери Орпо ҳамда қатор бошқа мамлакатларнинг давлат ва ҳукуматлари, халқаро ташкилотлар ва молиявий институтлари раҳбарлари иштирок этди.

Форумнинг кун тартибига мувофиқ, барқарор тараққиётни таъминлаш, инновациялар, «яшил» иқтисодиёт ва минтақавий ўзаро боғлиқликни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бугунги кунда энергетика манбаларини диверсификация қилиш, улардаги углеводород улушини кескин камайтириш — иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, барқарор ривожланиш ва глобал хавфсизликни таъминлашнинг асосий шарти эканини таъкидлади.

Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсади — экологик барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган «яшил» ривожланиш моделига ўтишдир.

— Шу боис 2025 йилни Ўзбекистонда «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили», деб эълон қилдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Президенти юртимизда Кам углеводороди ривожланиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва «яшил» молиялаштириш миллий дастури ишлаб чиқилгани, инвестиция лойиҳаларида «яшил» компонентлар келгуси беш йилда 50 фоизгача қўпайтирилишини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «АБУ-ДАБИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ҲАФТАЛИГИ» САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли анжуман иштирокчилари! Авваламбор, ушбу саммитга таклиф қилганлари учун азиз биродарим, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён Аъло Ҳазратларига самимий миннатдорлик изхор этаман.

Нуфузи йил сайин ошиб бораётган «Абу-Даби барқарор ривожланиш ҳафталиги» Амирликларнинг жадал тараққиёт, инновациялар, «яшил» иқтисодиёт ва минтақавий боғлиқликни ривожлантириш бўйича халқаро мулоқот марказларидан бирига айланиб бораётганининг ўзига хос ифодасидир.

Бу гўзал диёрда «COP-28» — Жаҳон иқлим саммити ғоят сермахсул ва муваффақиятли ўтгани ҳам бунинг яна бир яққол тасдиғидир.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари! Бугунги кунда энергетика манбаларини диверсификация қилиш, уларнинг балансида углеводород улушини кескин камайтириш — иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, барқарор ривожланиш ва глобал хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартидир.

Янги Ўзбекистоннинг стратегик

мақсади — экологик барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг ресурслар тежамкорлигига асосланган «яшил» ривожланиш моделига ўтишдир.

Шу боис 2025 йилни Ўзбекистонда «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» деб эълон қилдик.

Кам углеводороди ривожланиш бўйича узоқ муддатли стратегия ва «яшил» молиялаштириш миллий дастурини ишлаб чиқдик. Инвестиция лойиҳаларида «яшил» компонентларни келгуси беш йилда 50 фоизгача қўпайтирамиз.

Шунингдек, Зарарли газларни мониторинг қилиш ва Миллий эмиссия савдо тизимларини жорий этамиз. 2030 йилгача зарарли чиқиндиларни 35 фоизга қисқартириш ва бу мажбуриятни доимий ошириб боришни режа қилганмиз.

«Яшил макон» дастури доирасида шаҳарлар ҳудудларининг камида 30 фоизи қўқаламзор майдонларга айлантирилади. Қишлоқ ҳўжалигида сув тежовчи технологияларни 100 фоиз татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар қилияммиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари! Тез суръатларда ўсиб бораётган

иқтисодиётимизнинг энергетикага бўлган талабини тўлиқ қондириш учун биз «яшил» қувватларни жадал ривожлантиряммиз.

Ўтган 5 йилда энергетика соҳасига қарийб 20 миллиард доллар хорижий инвестициялар жалб қилинди ва 9,6 гига-ватт замонавий энергия қувватлари ишга туширилди. Жумладан, 3,5 гига-ватт 14 та қуёш, шамол электр станциялари ва 300 мегаватт 2 та сақлаш тизимлари ишга туширилди.

Ҳозирда хорижий ҳамкорлар билан қиймати 26 миллиард доллардан зиёд ва умумий қуввати 24 гига-ватт бўлган 50 дан ортқ йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2030 йилга қадар мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга етказишни режа қилганмиз.

Бугунги кунда «яшил» тараққиёт Ўзбекистонда умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилди.

Мазкур йўналишда минтақавий ҳамкорликни янада кучайтириб, Марказий Осиёни «яшил» иқтисодий ривожланиш ва «тоза энергия» марказларидан бирига айлантириш ниятидаммиз.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 33 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар! Мўхтарам Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Қадри юртдошлар!

Сиз, азизларим, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кун билан самимий муборакбод этаман.

Барчамиз учун шон-шараф тимсолига айланган мана шу қутлуг айёмда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясиде улуг ишга бағишлаган ботир ва доворак ўғлонларимизни, мўхтарам фахрийларимизни табриклаб, уларнинг шаънига энг эзгу тилақларимизни изҳор этаммиз.

Сизларнинг азму шижоатингиз, эл-юртга садоқатингиз туфайли халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти таъминланмоқда, мамлакатимизнинг муҳофаза салоҳияти мустаҳкамланмоқда, миллий армиямизнинг жанговар қобилияти юксалмоқда.

Юртимиз бўйлаб жасорат мадҳиялари янграётган бугунги улуг кунларда Ватан олдидаги бурчни адо этиш чоғида ҳалок бўлган қаҳрамон ҳарбийларимизнинг сўнмас хотираси олдида барчамиз ҳурмат бажо келтирамиз. Фурсатдан фойдаланиб, мард ва баҳодир юрт посбонларини тарбиялаган барча ота-оналарга, ҳарбий хизмат давомида Ватан ҳимоячиларига тоғдек таянч бўлиб келаётган уларнинг оила аъзоларига чин қалбимдан миннатдорлик билдирам.

Азиз дўстлар!

Кейинги йилларда олиб бораётган кенг қўламли ислохотларимиз туфайли Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, ҳе-гараларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашнинг чинакам қафо-латига айланиб бормоқда.

Барча қўшин турлари замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва

маънавий тайёргарлиги узлуксиз ошиб бормоқда. Миллий армиямиз улар учун, ёшларимиз учун мардлик ва шон-шараф мактабига айланмоқда.

Энг муҳими, халқ билан армия тобора яқин бўлиб бораётгани ҳарбий соҳа ривожига янгича куч ва сифат бағишламोқда.

Бугунги кунда навқирон авлодимиз ўртасида ҳарбий хизматга қизиқиш кучайиб, минглаб йигит-қизларимиз Ватан ҳимояси-га дадил бел боғлаётгани барча-мазмин чексиз қувонтиради. Биз ана шундай ўтқор фарзандларимиз тимсолида бўлгуси қаҳрамонларимиз, Қуролли Кучларимизнинг бўлажак офицер ва генераллари, моҳир кўмондонларни кўрамиз.

Айни вақтда барчамиз яхши англаймизки, ҳозирги вақтда, дунё миқёсида турли хавф-хатарлар, қуролли тўқнашувлар тобора авж олиб бораётган ўта мураккаб вазиятда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва маънавий шайлигини ошириш ҳақ қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу муносабат билан «Ўзбекистон — 2030» стратегияси асосида бу борада бошлаган ишларимизни мутлақо янги сифат босқичига кўтаришимиз шарт. Хусусан, Қуролли Кучларимизни янги, модернизация қилинган ўт очиш тизимлари ва техника билан таъминлашни ҳарбий ҳаракатлар театри хусусиятларини, қўшинларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда давом эттирамиз.

Ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мактабларда бошланғич ҳарбий таълим сифатини ошириш, ўқувчи ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратаммиз.

Аскар ва офицерларнинг про-

фессинал маҳорати, ҳарбий билли юртларида таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, малака-ли ҳарбий кадрлар захирасини яратиш доимо устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучларимиз фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бундан бунён ҳам диққатимиз марказида бўлади.

Ана шу муҳим вазифаларни бажаришда, ҳеч шубҳасиз, ҳарбий-маъмурий секторлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки ғоят муҳим аҳамиятга эга. Чунки халқ билан мулоқот ва маслаҳат асосида, унинг иштирокида амалга оширилган иш албатта қудратли ижобий кучга эга бўлади.

Умуман, бугунги кунда барчамиз — қайси соҳа ёки тармоқда, қандай лавозимда ишлаймиз, Ватан ҳимоясиде бўлишимиз зарур. Бу талабни даврнинг ўзи олдимизга қатъий вазифа қилиб қўймоқда ва халқимиз ҳам биздан айнан шуни кутмоқда.

Қадри Ватан ҳимоячилари! Оила юрт қалқонлари, тинчлик посбонлари шарафланадиган мана шу қувончли кунда сиз, азизларни шонли байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан қутлайман.

Барчангизга муқаддас қасамдингизга содиқ қолиб, хизмат бурчингизни юксак даражада адо этишда мустаҳкам соғлиқ, улкан муваффақиятлар, оилавий бахт, хонадонларингизга тинчлик, файзу барака тилайман.

Жонажон Ватанимиз ҳимояси йўлида ҳеч қачон толманг, ютуқ ва зафарлар доимо сизларга ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуролли Кучлар
Олий Бош Қўмондони

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 30 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 19 декабрда маъқулланган

1-БОБ. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади космик фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Космик фаолият тўғрисидаги қонунчилик

Космик фаолият тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг космик фаолият тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

(Давоми 2, 3-бетларда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «АБУ-ДАБИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ҲАФТАЛИГИ» САММИТИДАГИ НУТҚИ

◀1 Қадимги Буюк Ипак йўли-ни ўзаро энергетик боғлиқ-лик орқали тиклаш йўлида ҳам илк қадамларни ташладик. Яқинда “COP-29” доирасида қозоғистонлик ва озар-байжонлик ҳамкорларимиз билан им-золанган кўп томонлама битим Еуропага “яшил” энергияни экспорт қилиш имкониятини беради.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиман-ки, “яшил” энергия соҳасида Бир-лашган Араб Амирликлари бизнинг ишончли ва стратегик ҳамкоримиз-дир. Сўнгги йилларда Амирликлар билан инвестициялар портфели 26 миллиард доллардан ошди. Улар

орасида қайта тикланувчи энергети-ка лойиҳалари асосий локомотив бўлмоқда.

Бугунги глобал саммит ташкилот-чиси — “Masdar” компанияси билан умумий қуввати 1,5 гигаватт бўлган 5 та электр энергия объектини ишга туширдик. Яна 1,6 гигаваттга тенг 3 та генерация лойиҳаси ва қарийб 520 мегаватт-соат энергия сақлаш тизимлари барпо этилади.

Бу каби лойиҳаларни Амирликлар-нинг бошқа етакчи компаниялари ҳамда Саудия Арабистони, Қатар, Туркия, Хитойлик шерикларимиз бил-лан ҳам амалга оширяпмиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Биз Марказий Осиёнинг қуёш, сув, шомол энергияси ҳамда “яшил” водородни ишлаб чиқариш бўйича улкан салоҳиятини бирга-ликда ривожлантиришдан манфаат-дормиз.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра фақат Ўзбекистоннинг ўзида 500 ги-гаватт қуёш, 100 гигаватт шомол ва 10 гигаватт гидроэнергия ишлаб чиқариш салоҳияти мавжуд.

Минтақамиз улкан уран ва ўта муҳим стратегик хомашё захирала-рига бой. Бу йўналишда ҳар бир хорижий ҳамкоримизга барча қулай

шарт-шароитларни яратиб бериш-га тайёرمىз.

Анжуманимизда иштирок этаётган нуфузли илмий марказлар, эксперт ва олимларни Тошкентда очилган “Яшил” университет билан тадқиқотлар ва ин-новация дастурларини амалга оши-ришда фаол ҳамкорликка қақирамиз.

Мазкур университет негизида Ер деградацияси ва чўлланишга қарши кураш бўйича халқаро илмий тадқи-қот тармоғини яратишни тақлиф эт-моқчиман.

Шу билан бирга, биз Дубай ва Бо-куда бўлиб ўтган “COP-28” ва “COP-29” саммитлари ва халқаро форумларда

глобал иқлим ўзгаришларининг сал-бий оқибатларини бартараф этиш учун Иқлим туфайли йўқотиш ва зар-рарларни баҳолаш бўйича халқаро марказни таъсис этиш, дарё экоти-зимлари хавфсизлигини таъминлаш, Сув тежовчи технологиялар минтақа-вий хабини ташкил қилиш, Ўсимлик-лар генетик ресурслари банкини яратиш ташаббусларини илгари сурдик ва барча ҳамкорларимиз билан ама-лий ишларни бошлашга тайёرمىз.

Жорий йил Ўзбекистонда ўтиши режалаштирилган Марказий Осиё-нинг глобал иқлим муаммоларига ба-ғишланган конференцияда умум-

минтақавий “Яшил” тараққиёт кон-цепциясини тақдим этамиз.

Шунингдек, 15 май — Халқаро иқлим кунида Оролбўйи минтақаси-да бўладиган Рақамли “яшил” ташаб-буслар глобал ёшлар фестивалига вакилларингизни тақлиф этамиз.

Хурматли дўстлар!

Янги Ўзбекистон барқарор ривож-ланиш ва “яшил” тараққиёт йўлида бутун дунёга очкидир ва барчангиз-ни кенг қўламли амалий ҳамкорлик-ка қақирамиз.

Сўзининг якунида анжуман иши-га катта муваффақиятлар тилаб қоламан.

ЎЗБЕКИСТОН ВА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРАДИ

◀1 “Иссиқхона газлари”ни монито-ринг қилиш ва эмиссия учун квота-лар савдоси бўйича миллий тизимларни жорий этиш ишлари давом этмоқда. 2030 йилга бориб “иссиқхона газлари” чиқарилишини 35 фоизга қисқартириш ва бу мажбуриятни босқичма-босқич ошириб бориш режа қилинган.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида шахрлар худудларининг камида 30 фоизи кўкаламзор майдонларга айланти-рилади. Қишлоқ ҳўжалигида сув тежовчи технологияларни 100 фоиз татбиқ этиш тизимли чоралари кўриломоқда.

Шавкат Мирзиёев тез сўрьатларда ўсиб бораётган иқтисодиётимизнинг энергетика-га бўлган талабини тўлиқ қондириш учун “яшил” қувватлар жадал ривожлантирилаёт-ганига эътибор қаратди.

— Ўтган 5 йилда энергетика соҳасига қарийб 20 миллиард доллар хорижий ин-вестициялар жалб қилинди ва 9,6 гига-ватт замонавий энергия қувватлари ишга туширилди. Жумладан, 3,5 гигаваттли 14 та қуёш, шомол электр станцияла-ри ва 300 мегаваттли 2 та сақлаш тизим-лари ишга туширилди, — деди давлатимиз раҳбири.

Ҳозирда хорижий ҳамкорлар билан қий-мати 26 миллиард доллардан зиёд ва уму-ий қуввати 24 гигаватт бўлган 50 дан ортқ йирик лойиҳалар амалга оширилмоқ-да. 2030 йилга қадар мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия улушини 54 фоизга ет-казиш режалаштирилган.

— Бугунги кунда “яшил” тараққиёт Ўзбе-кистонда умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарилди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўналиш-да минтақавий ҳамкорликни янада кучай-тириб, Марказий Осиёни “яшил” иқтисо-дий ривожланиш ва “тоза энергия” мар-казларидан бирига айлантириш муҳимли-гини қайд этди.

Қадимги Буюк Ипак йўлини ўзаро энер-гетик боғлиқлик орқали тиклаш йўлида ҳам илк қадамлар ташланди. Яқинда “COP-29” саммити доирасида Қозоғистон ва Озар-байжон билан имзоланган кўп томонлама битим Еуропага “яшил” энергияни экспорт қилиш имкониятини беради.

— Шуни алоҳида қайд этмоқчиманки, “яшил” энергия соҳасида Бирлашган Араб Амирликлари бизнинг ишончли ва страте-гик ҳамкоримиздир, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Сўнгги йилларда Амирликлар билан ин-вестициялар портфели 26 миллиард дол-лардан ошди. Улар орасида қайта тикла-нувчи энергетика лойиҳалари асосий локо-мотив бўлмоқда.

“Masdar” компанияси билан умумий қув-вати 1,5 гигаватт бўлган 5 та электр энер-

гетика объекти ишга туширилди. Яна 1,6 ги-гаваттга тенг 3 та генерация лойиҳаси ва қарийб 520 мегаватт-соат энергия сақлаш тизимлари барпо этилади.

Бу каби лойиҳалар Амирликларнинг бошқа етакчи компаниялари ҳамда Сау-дия Арабистони, Қатар, Туркия, хитой-лик шериклар билан ҳам амалга оширил-моқда.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлака-тимиз Марказий Осиёнинг қуёш, сув, шомол энергияси ҳамда “яшил” водородни ишлаб чиқариш бўйича улкан салоҳиятини биргаликда ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра фақат Ўзбекистоннинг ўзида 500 гигаватт қуёш, 100 гигаватт шомол ва 10 гигаватт гидро-энергия ишлаб чиқариш салоҳияти мавжуд.

Минтақамиз улкан уран ва ўта муҳим стратегик хомашё захираларига бой.

— Бу йўналишда ҳар бир хорижий ҳам-коримизга барча қулай шарт-шароитларни яратиб беришга тайёرمىз, — деди Ўзбе-кистон етакчиси.

Президентимиз анжуманда иштирок этаётган нуфузли илмий марказлар, эксперт ва олимларни Тошкентда очилган “Яшил” университет билан тадқиқотлар ва инно-вация дастурларини амалга оширишда фаол ҳамкорликка чакирди.

Мазкур университет негизида Ер дегра-дацияси ва чўлланишга қарши кураш бўйи-ча халқаро илмий-тадқиқот тармоғини яратиш тақлиф этилди.

Дубай ва Бокуда бўлиб ўтган “COP-28” ва “COP-29” саммитлари ҳамда бошқа халқаро форумларда Ўзбекистон глобал иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатла-рини бартараф этиш учун қатор ташаббус-ларни илгари сурган эди.

Иқлим туфайли йўқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича халқаро марказни таъсис этиш, дарё экотизимлари хавфсизлигини таъминлаш, Сув тежовчи технологиялар минтақавий хабини ташкил қилиш, Ўсим-ликлар генетик ресурслари банкини яратиш шулар жумласидан.

— Бу борада барча ҳамкорларимиз бил-лан амалий ишларни бошлашга тайёр-миз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Давлатимиз раҳбари жорий йил Ўзбеки-стонда ўтиши режалаштирилган Марказий Осиёнинг глобал иқлим муаммоларига ба-ғишланган конференцияда умумминтақавий “Яшил” тараққиёт концепцияси тақдим эти-лишини айтди.

Шунингдек, саммитда иштирок этаётган мамлакатлар вакиллари 15 май — Халқаро иқлим кунида Оролбўйи минтақасида бўла-диган Рақамли “яшил” ташаббуслар глобал ёшлар фестивалига тақлиф этилди.

Сўзининг якунида мамлакатимиз етак-

чиши Янги Ўзбекистон барқарор ривожла-ниш ва “яшил” тараққиёт йўлидаги кенг ҳамкорликка бутун дунёга очиклигини қайд этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Абу-Даби шахрига ташрифнинг ишбилармонлик тад-бирлари доирасида Бирлашган Араб Амирликлари сунъий интеллект вазири Умар бин Султон ал-Олама билан учра-шув ўтказди.

Учрашувда “Presight” компанияси раҳба-ри Томас Прамотедам, “AIQ” компанияси раҳбари Магжан Кенесбай ва “Khazna” ком-панияси раҳбари Ҳасан ал-Нақби, Мўхам-мад бин Зоид номидаги Сунъий интеллект университети президенти Эрик Синг ҳам иштирок этди.

“Presight”, “AIQ” ва “Khazna” компания-лари катта маълумотлар таҳлили ва сунъий интеллект соҳасида етакчи компаниялар қаторига қиради. Мўхаммад бин Зоид уни-верситети сунъий интеллект соҳасидаги тадқиқотларга иxtисослаштирилган дунёда-ги биринчи олий таълим муассасаси ҳисоб-ланади.

Учрашувда Амирликлар компаниялари бил-лан илғор технологияларни ривожлантириш ва уларни турли соҳаларга муваффақиятли жорий этишга қаратилган стратегик шерикликни кенгайтириш йўллари кўриб чиқилди.

Генератив сунъий интеллектни ишлаб чи-қиш, шу жумладан, энергетика соҳасида “катта тил моделлари”ни қўллаш, Тошкент-да йирик маълумотларни қайта ишлаш мар-казини ташкил этиш борасида ҳамкорлик-ни кенгайтириш бўйича келишувларга эришилди.

Мўхаммад бин Зоид номидаги Сунъий ин-теллект университети билан алмашинувлар-ни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қар-тилди. Президентимиз талабаларни ўқитиш дастурини ишга тушириб, бу соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишни тақлиф этди.

Илмий-тадқиқот лабораторияларини бир-галикда ишга тушириш, технология клас-терлар ташкил қилиш ва контактсиз тўлов операциялари учун инновацион ечимларни жорий этиш режалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Абу-Даби шахрига ташрифи доирасида Бирлашган Араб Амир-ликлари инвестициялар вазири, “ADQ” хол-динги бош ижрочи директори Мўхаммад Ҳасан ал-Сувайдий бошчилигидаги ушбу мамлакат етакчи компаниялари делегация-си билан учрашув ўтказди.

Учрашувда “AD Ports Group” компанияси раҳбари Мўхаммад Жума ал-Шамсий, “Tadweer” раҳбари Али ал-Дахерий, “Plenary Group” раҳбари Мустафо Фахур ва “DUCAB” раҳбари Мўхаммад ал-Кураший иштирок этди.

Ушбу компаниялар ўз соҳаларида жаҳон етакчиларидан бири бўлиб, уларнинг жами активлари 200 миллиард доллардан зиёд-ни ташкил этади.

Юқори технологик тармоқларда амалий ҳамкорликни ривожлантириш ва инвести-ция портфелини кенгайтириш имкониятла-ри кўриб чиқилди.

БАА билан иқтисодиётнинг турли йўна-лишларида шериклик жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Инвестицияларни илгари суриш, саноат ва илғор технологияларни ривож-лантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳар бир компания билан ўзаро манфа-атли ҳамкорликни кенгайтириш бўйича навбат-даги қадамлар белгиланди. Инфратузилма-ни ривожлантириш, шахарсозлик, энерге-тика, транспорт ва логистика, тоғ-кон са-ноати, электротехника, коммунал ҳўжалиги ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳалар ҳақида сўз юритилди.

Инновацион технологияларни жорий этиш, нодир металл конларни ўзлашти-риш, минтақавий темир йўлларни ривож-лантириш ва “қуруқ” портлар барпо этиш, кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини жадаллаштириш, таълим ва тиббиёт соҳаларида ДХШ лойиҳаларини илгари суриш юзасидан келишувларга эришилди.

Учрашув якунида амалий ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича “Йўл харитаси”-ни қабул қилишга келишиб олинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари энергетика ва инфрату-зилма вазири Сўхайл Мўхаммад ал-Маз-руий бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.

Учрашувда “Masdar” компанияси раҳба-ри Мўхаммад Жамил ал-Рамаҳий, “TAQA” раҳбари Жасим Ҳусайн Табет, “TAQA Water Solutions” раҳбари Аҳмад ал-Шамсий ва “Etihad Water & Electricity” раҳбари Юсуф ал-Али ҳам иштирок этди.

Мазкур компаниялар энергия ва сув таъ-миноти, тозалаш тизимларини бошқариш соҳасида жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарув-чи ва операторлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда “яшил” энергетика, коммунал хизмат кўрсатиш тармоқларини модернизация қилиш ва ичимлик суви таъ-минотини яхшилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари энергетика соҳаси-даги стратегик шериклик икки томонлама ҳамкорликнинг локомотиви бўлиб хизмат қилаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Бу борада умумий қиймати 1,5 милли-ард долларлик 5 та лойиҳа биргаликда ишга

туширилди. Декабрь ойда Навоий вилоя-тида қуввати 500 мегаватт бўлган шомол электр станцияси ишга туширилди, яна бир қатор объектлар қурилиши фаол босқичга кирган.

Ўзбекистон Президенти компаниялар-нинг мамлакатимиз худудларида мавжуд иссиқлик электр станциялари қувватла-рини кенгайтириш, паст қучланишли электр тармоқларини модернизация қилиш, янги ГЭСлар, электр энергияси-ни сақлаш тизимлари, йирик қуёш ва шомол станциялари қурилишини жадал-лаштириш борасидаги режаларини қўллаб-қувватлади.

Бундан ташқари, давлат-хусусий ше-риклик тамойиллари асосида сув таъми-ноти тармоқларини ривожлантириш ва янги тозалаш иншоотларини барпо этиш учун кенг имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Абу-Даби шахрига ташрифнинг ишбилармонлик дастури дои-расида “AMEA Power” компанияси раҳбари Ҳусайн ал-Новайс, “M42” компанияси раҳ-бари Ҳасан Жасим ал-Новайс ва “IFFCO Group” компанияси раҳбари Шероз Аллан-ни қабул қилди.

“AMEA Power” — қайта тикланувчи энер-гия соҳасида тез сўрьатда ривожланаётган компания. 20 мамлакатда умумий қуввати 6 гигаваттдан ортқ бўлган лойиҳалар порт-фелига эга. “M42” инновацион технология-лардан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. “IFFCO Group” озик-овкат соҳасида 100 дан ортқ брендларни бошқаради.

Энергетика, инновациялар, соғлиқни сақ-лаш ва озик-овкат саноатида қўшма лойи-ҳаларни илгари суриш ҳамда БАА компания-лари билан инновацион ҳамкорликни кен-гайтириш масалалари кўриб чиқилди.

“AMEA Power” компанияси билан ҳамкор-лик жадал ривожланиб бораётгани мамну-ният билан қайд этилди. Шомол электр станциялари, энергия сақлаш тизимларини қуриш, нефть-кимё соҳасида юқори техно-логик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш лойиҳаларини жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, “M42” компанияси билан геномика соҳасида, “IFFCO Group” билан эса озик-овкат саноати ва машиий кимё учун ингредентлар ишлаб чиқариш-да ўзаро манфаатли шерикликни мус-таҳкамлашга эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Космик фаолият тўғрисида

◀(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

космик мониторинг – космик хизматларнинг космик мониторинг объектилари ҳолатини космик аппаратлар ёрдамида олинган космик суратларга, шунингдек бошқа қўшимча маълумотларга ишлов бериш ҳамда уларни таҳлил қилиш орқали ўрганишга қаратилган таркибий қисми;

космик объект – космик фазода ишлаш учун мўлжалланган техник қурилма, шу жумладан космик аппарат ва (ёки) уни космик фазога олиб чиқиш воситаси ҳамда уларнинг таркибий қисмлари;

космик сурат – космик аппаратларга ўрнатилган махсус қурилмалар ёрдамида электромагнит спектрининг турли диапазонларида олинган ва маълум бир алгоритм бўйича визуаллаштирилмаган икки ўлчовли тасвир;

космик технологиялар – космик фаолиятни амалга ошириш, шунингдек ушбу фаолият натижаларини олиш ва улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ахборотни ва (ёки) маълумотларни тўплаш, сақлаш, излаш, уларга ишлов бериш ҳамда уларни тарқатиш учун фойдаланиладиган усулбар, қурилмалар, воситалар, усуллар ва жараёнлар мажмуи;

космик тизим – космик фазони ва Ерни тадқиқ этиш ҳамда унинг натижаларидан фойдаланиш учун мўлжалланган, космик объектилари ва ер усти космик инфратузилмаси объектиларини ўз ичига оладиган, функционал жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган техник воситалар ҳамда амалий ишлар мажмуи;

космик фазо – Ер атмосферасидан ташқаридаги ҳаво худудини ўзининг табиий хусусиятига кўра ўраб турадиган, космик объектлар ўз функционал вазифаларини амалга ошира оладиган фазо;

космик фаолият – илм-фан, ижтимоий-иқтисодий, экологияга, ахборотга, тижоратга, мудофаага, хавфсизликка оид мақсадларга ва бошқа соҳаларга оид мақсадларга эришиш учун космик технологиялар воситасида космик фазони ва Ерни тадқиқ этишга ҳамда улардан фойдаланишга қаратилган фаолият;

космик фаолият объектилари – космик фаолиятни амалга оширишда фойдаланиладиган космик инфратузилма объектилари;

космик фаолият субъектилари – космик фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар, шу жумладан ушбу Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида космик фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар;

космик хизматлар – космик маълумотлардан, космик ва рақамли технологиялардан иборат бўлган геоахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан космик мониторинг орқали кўрсатиладиган хизматлар.

4-модда. Космик фаолиятнинг асосий принциплари

Космик фаолиятнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: мамлакатнинг илмий-техник салоҳиятидан ва космик фаолият имкониятларидан самарали фойдаланиш;

космик технологиялардан фойдаланган ҳолда соҳаларнинг рақамлаштирилиш даражасини ҳамда шаффофлигини оширишга қўмаклашиш;

тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

космик фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш ва уни рағбатлантириш;

космик фаолиятни амалга оширишда экологик талабларга, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига ва аҳолининг санитария-эпидемиологик оқилошталлигини таъминлашга доир талабларга риоя этилиши устуворлигини.

5-модда. Космик фаолиятни амалга оширишнинг асосий мақсадлари

Космик фаолиятни амалга оширишнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикасининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, мудофаа қобилиятини ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қўмаклашиш;

Ерни, космик фазони ва самовий jismlарни тадқиқ этиш, шунингдек улар тўғрисидаги илмий билимларни тўплаш ва ривожлантириш;

космик технологиялар ёрдамида соҳаларнинг рақамлаштирилишини жадаллаштириш;

илмий, ижтимоий-иқтисодий, экологияга, тижоратга оид соҳалар ва бошқа соҳаларнинг манфаатларини қўллаган ҳолда мамлакат худудини космик технологиялар ёрдамида тадқиқ этиш;

космик фаолият соҳасида космик хизматлар кўрсатиш; иқлим ўзгаришнинг олдини олиш ва унинг таъсирини юмшатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудини доимий равишда мониторинг қилиб боришга қўмаклашиш;

космик фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

2-боб. Космик фаолият соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

6-модда. Космик фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Космик фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: космик фаолият соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ва стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

космик фазони ва сайёраларни тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ҳамда космик технологиялардан фойдаланиш бўйича халқаро ҳамкорликда иштирок этиш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш, шунингдек унинг мудофаасини ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида космик фаолият натижаларидан фойдаланиш, космик объектиларни яратиш ва (ёки) учирish;

космик хизматларнинг миллий бозорини яратиш ва ривожлантириш;

космик фаолият тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва космик фаолият тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

космик инфратузилмани, космик тадқиқотлар ва технологияларни, илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Космик фаолият тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

таълим ташкилотларида, шу жумладан етакчи хорижий таълим ташкилотларида космик фаолият йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаолиятни амалга оширувчи вазирликлар ва идораларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш самарадорлигини Ерни масофадан зондлашдан, геоахборот тизимларидан, космик ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда оширишга қўмаклашиш;

ўз бўйсунувида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг таркибига кирадиган ҳарбий тузилмаларга эга бўлган вазирликлар ва идораларга мамлакатнинг мудофаа қўбилятини мустаҳкамлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ махсус топшириқлар ва вазифаларни бажаришда геоахборот тизимларидан, космик ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалий ёрдам кўрсатиш;

иқтисодиётнинг тармоқларидаги қонунчилик бузилиши ҳолларини космик суратларга ишлов бериш ва уларни таҳлил қилиш орқали аниқлашга қўмаклашиш;

космик фаолият соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

вазирликлар ва идоралар томонидан фаолиятнинг тегишли соҳаларида амалга ошириладиган мониторинг жараёнларида космик технологияларни қўллагша доир тақлифларни ишлаб чиқиш ва ишларни мувофиқлаштириш;

тармоқларда вазирликлар ва идоралар томонидан космик технологияларнинг қўланилиш даражасини мониторинг қилиш ҳамда уларнинг жорий этилишини жадаллаштириш;

космик фаолиятни оммалаштиришга доир ишларни илм-фан ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

геоахборот маълумотлар базасини тўлдириш ва янгिलाб бориш.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг космик фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
космик фаолият соҳасидаги ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;
космик фаолият соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;
космик фаолият соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;
фойдаланишдан чиқарилган космик объектларни ва техник воситаларни утилизация қилиш тартибини белгилайди;
космик фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг космик фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги космик фаолият соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи:

космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширишда ҳамда стратегик йўналишларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигига қўмаклашди;

космик фаолият тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлайди ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

космик инфратузилмани, космик тадқиқотларни ва технологияларни, илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

таълим ташкилотларида, шу жумладан етакчи хорижий таълим ташкилотларида космик фаолиятнинг йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этади;

ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаолиятни амалга оширувчи вазирликлар ва идораларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш самарадорлигини Ерни масофадан зондлашдан, геоахборот тизимларидан, космик ва рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда оширишга қўмаклашди;

ўз бўйсунувида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг таркибига кирадиган ҳарбий тузилмаларга эга бўлган вазирликлар ва идораларга мамлакатнинг мудофаа қўбилятини мустаҳкамлаш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ махсус топшириқлар ва вазифаларни бажаришда геоахборот тизимларидан, космик ҳамда рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда амалий ёрдам кўрсатади;

космик мониторинг объектиларида космик мониторинг, шу жумладан давлат космик мониторингини амалга оширилишини таъминлайди;
тармоққа мансублилиги бўйича вазирликлар ва идоралар томонидан амалга ошириладиган мониторинг жараёнларида космик технологияларни қўллагша доир тақлифларни ишлаб чиқади ва ишларни мувофиқлаштиради;

тармоқларда вазирликлар ва идоралар томонидан космик технологияларнинг қўланилиш даражасини мониторинг қилади ва уларнинг жорий этилишини жадаллаштиради;

космик фаолиятни оммалаштириш бўйича ишларни илм-фан ва инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этади;

космик фаолиятни амалга ошириш чоғида кузатишларни олиб боради, олинган маълумотларни тўплайди, уларга ишлов беради, уларни таҳлил қилади, сақлайди ва улардан фойдаланади;

космик фаолият соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, шунингдек космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ халқаро-ҳуқуқий масалаларни хал қилишга қўмаклашди ҳамда халқаро мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди;

космик суратларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва уларни тарқатиш тартибини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

космик фазога учуриладиган Ўзбекистон Республикасининг космик объектиларини халқаро стандартларга ва қонунчиликка мувофиқ тамгалашни амалга оширади;

ҳарбий мақсадга ва икки хил мақсадга мўлжалланган космик технологияларни ишлаб чиқишга, ишлаб чиқаришга ва етказиб беришга ҳамда космик инфратузилма объектиларини ривожлантиришга доир давлат мудофаа бюртмасини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда шакллантиради;

икки хил мақсадга мўлжалланган космик технологияларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда белгилайди ва тегишли тадқиқотларни ташкил этади;

космик фаолият соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

космик фаолият соҳасидаги давлат назоратини амалга оширади; Миллий операторни белгилайди.

Махсус ваколатли давлат органи қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигининг космик фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги:
космик фаолият, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади ҳамда стратегик йўналишларни ишлаб чиқади, шунингдек махсус ваколатли давлат органининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

космик фаолият соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ташкил этади;
Ўзбекистон Республикасида космик фаолият соҳасидаги дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

халқаро ҳамкорлик доирасида махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг космик фаолият соҳасидаги манфаатларини ифода этади ва амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштиради;

космик фаолият соҳасидаги давлат назоратини амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштиради ва ушбу йўналишни такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқади;

вазирликлар ва идораларнинг космик фаолият соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг космик фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги манфаатларини қўзлаган ҳолда, космик фаолият имкониятларидан фойдаланади, шунингдек ҳарбий космик технологияларни яратиш бўйича ишларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

ҳарбий мақсадга мўлжалланган космик технологияларни ҳамда махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда икки хил мақсадга мўлжалланган космик технологияларни яратиш бўйича ишларни ташкил этади;

мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги манфаатларини қўзлаган ҳолда, космик технологиялардан фойдаланишни режалаштиради ва амалга оширади;

қўланилишни космик фаолият билан боғлиқ бўлган қурол-яроғ, ҳарбий ва махсус техникани яратишга, ишлаб чиқаришга ва етказиб беришга доир давлат мудофаа бюртмасини шакллантиришни амалга оширади;

ҳарбий мақсадга мўлжалланган космик технологияларни ҳамда махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда икки хил мақсадга мўлжалланган космик технологияларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари амалга оширилишини таъминлайди;

ҳарбий мақсадга мўлжалланган космик технологияларни ҳамда махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда икки хил мақсадга мўлжалланган космик технологияларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболларини белгилаш бўйича тизимли тадқиқотларни ташкил этади;

ҳарбий мақсадга мўлжалланган космик технологияларнинг синовдан ўтказилишини махсус ваколатли давлат органи ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ташкил этади;

мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги манфаатларини қўзлаган ҳолда, космик фаолият соҳасидаги давлат сиёсати бўйича тақлифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро космик лойиҳалари ва дастурларини амалга оширишда махсус ваколатли давлат органи ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда иштирок этади;

космик технологияларнинг ҳарбий мақсадларга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосани тайёрлайди ва махсус ваколатли давлат органига тақдим этади;

мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги манфаатларини қўзлаган ҳолда, космик фаолият соҳасидаги истиқболли йўналишларни ривожлантиришга доир тақлифларни ишлаб чиқади ва махсус ваколатли давлат органига киритади.

3-боб. Космик фаолиятни ташкил этиш

11-модда. Космик фаолият соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш

Космик фаолият соҳасидаги илмий тадқиқотлар космик фаолиятнинг илмий жиҳатдан кузатиб борилишини таъминлашни, космик технологияларнинг янги намуналарини ишлаб чиқишни, космик технологияларни ривожлантиришга, жорий этишга ва улардан фойдаланишга йўналтирилган космик синовларни, фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотларни ўз ичига олади.

Космик фаолият соҳасидаги илмий тадқиқотлар илмий ва илмий-техникавий лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан мувофиқлаштирилади.

Космик тизимларни яратиш бўйича лойиҳалар илмий тадқиқотларни, ишланмаларни ҳамда космик фаолият объектиларни ва уларнинг таркибий қисмларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш, ўрнатиш, қуриш, синовдан ўтказиш, шунингдек улардан фойдаланиш жараёнларини ўз ичига олади.

Космик фаолият соҳасидаги илмий ва илмий-техникавий лойиҳалар ҳамда космик тизимларни яратиш бўйича лойиҳалар олимлари, юқори малакали мутахассисларни, жамоат ташкилотларини, Ўзбекистон Республикасининг олий таълим ташкилотларини, шунингдек халқаро экспертларни ва чет давлатларнинг олимларини жалб этган ҳолда амалга оширилади.

12-модда. Космик тизимларнинг турлари

Қуйдагилар космик тизимларнинг турлари жумласига киради:
Ерни масофадан зондлаш;
космик мониторинг;
давлат космик мониторинги;
космик алоқа тизими;
юқори аниқликдаги сунъий йўлдош навигация тизими;
космик тизимларнинг илмий, иқтисодий, экологияга, ахборотга ва тикоратта оид мақсадларда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ яратилган бошқа турлари.

13-модда. Ерни масофадан зондлаш

Миллий оператор илмий, ижтимоий-иқтисодий, экологияга, ахборотга, тикоратта оид мақсадларда, шунингдек мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги эҳтиёжлари учун Ерни масофадан зондлаш маълумотларини олишни режалаштириш, олиш, уларга ишлов беришни, уларни сақлаш ва тарқатишни амалга оширади.

Зарурат бўлганда Миллий оператор Ерни масофадан зондлашга доир маълумотларни вазирликлар ҳамда идораларга, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга тақдим этади.

14-модда. Космик мониторинг

Космик мониторинг Миллий оператор томонидан маҳаллий ва (ёки) хорижий космик аппаратлар ва технологиялар воситасида амалга оширилади.

Қонунчиликка мувофиқ мулкчилик шакли, ҳуқуқий режими ва хусусиятидан қатъи назар, ер усти, космик фазо ва уларда жойлашган барча объектлар, шунингдек табиий ва техноген хусусиятли ҳодисалар космик мониторинг объектилари деб ҳисобланади.

Космик мониторинг вазирликлар ва идораларга, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларга космик хизматлар кўрсатиш мақсадида амалга оширилади.

Космик мониторинг қуйидаги тартибда амалга оширилади:
вазирликлар ва идоралар келгуси йил учун космик хизматларга, жумладан ушбу хизматларнинг ҳажми, даврийлиги ва уларни тақдим этиш муддатлари ҳақидаги, шу жумладан космик мониторингга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги маълумотларни (шундай эҳтиёж мавжуд бўлганда) ҳар йили 20 июлга қадар махсус ваколатли давлат органига тақдим этади;

махсус ваколатли давлат органи тақдим этилган маълумотлар асосида эҳтиёжларни ўрганади ва мақбуллаштиради ҳамда келгуси йилнинг охирига қадар космик хизматлар кўрсатилишини ташкил этади.

15-модда. Давлат космик мониторинги

Давлат космик мониторинги космик мониторинг объектиларида содир бўлаётган жараёнлар ва ўзгаришлар тамойилларини давлат манфаатларини қўзлаган, космик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўрганишдан, шу жумладан Ерни масофадан зондлаш маълумотларига ва бошқа маълумотларга ишлов беришдан ҳамда уларни таҳлил қилишдан, шунингдек қонунчиликнинг бузилиши ҳолларини аниқлашга қўмаклашишдан иборатдир.

Давлат космик мониторинги фақат Миллий оператор томонидан амалга оширилади ва махсус ваколатли давлат органи томонидан мувофиқлаштирилади.

Давлат космик мониторингни ушбу модданинг тўртинчи – саккизинчи қисмларига белгиланган тартибда амалга оширилади.

Махсус ваколатли давлат органи давлат космик мониторингини амалга ошириш мақсадида зарур бирламчи маълумотларни тегишли вазирликлар ва идоралардан сўраб олади ҳамда уларни Миллий операторга узатади.

Миллий оператор давлат космик мониторингини амалга оширади ва тақдим этилган маълумотлар билан солиштириб, космик мониторинг объектиларида содир бўлаётган жараёнлар ва ўзгаришлари таъминларини аниқлайди.

Миллий оператор давлат космик мониторинги натижаларни асосида тегишли маълумотларни тайёрлайди ва махсус ваколатли давлат органига тақдим этади.

Махсус ваколатли давлат органи Миллий оператор томонидан тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилади ва мувофиқлаштиради, ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлайди ҳамда тегишли вазирликлар ва идораларга тақдим этади, шунингдек ушбу маълумотнома асосида вазирликлар ва идоралар томонидан қўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотни сўров бўйича олади.

Махсус ваколатли давлат органи давлат космик мониторингининг натижадорлиги тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

16-модда. Космик алоқа тизими

Космик алоқа тизими маълумотлар, аудио- ва видеосигналлар ҳамда бошқа турдаги ахборотни космик аппаратлар орқали узатишни таъминлаш учун мўлжалланган космик ва ердаги компонентлар мажмуидан иборатдир.

Космик алоқа тизими юридик ва (ёки) жисмоний шахсларнинг космик аппаратлар транспондерларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун мўлжаллангандир.

Космик аппаратлар транспондери деганда сигналларни қабул қилиш, қўнайтириш ва қайта узатиш учун мўлжалланган электрон қурилма тушунилади.

17-модда. Юқори аниқликдаги сунъий йўлдош навигация тизими

Юқори аниқликдаги сунъий йўлдош навигация тизими деганда космик аппаратларнинг сигналлари ёрдамида космик фазо ва Ердаги объекتلарнинг координаталари, тезлиги ва вақтини аниқ белгилашни таъминлаш учун мўлжалланган техника воситалари, дастурий таъминот ва амалий ишлар мажмуи тушунилади.

Юқори аниқликдаги сунъий йўлдош навигация тизимидан космик фазодаги ва Ердаги объектларнинг жойлашувини ҳамда ҳаракатини юқори даражадаги аниқлик ва ишончилик билан аниқлаш ҳамда кузатиш учун фойдаланилади.

18-модда. Космик ракета комплексларидан (космодромлардан) фойдаланиш

Космик ракета комплексларидан (космодромлардан) космик объектиларни космик фазога олиб чиқиш учун фойдаланилади.

Космик объектиларни космик ракета комплексларидан (космодромлардан) фойдаланган ҳолда космик фазога учуриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан амалга оширилади.

19-модда. Космик фаолиятни лицензиялаш

Космик технологияларни қўлловчи ташкилотларнинг фаолиятини лицензиялаш «Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

20-модда. Космик тизимларни яратиш

Космик тизимларни яратиш илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторик ишларини, космик тизимларни ҳамда уларнинг таркибий қисмларини лойиҳалаштиришни, ишлаб чиқаришни, ўрнатишни, қуришни ва синовдан ўтказишни, шунингдек уларни фойдаланишга топширишни ўз ичига олади.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг космик объектиларини тамгалаш

Ўзбекистон Республикасининг космик фазога учурилган космик объектилари халқаро стандартларга ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тамгага эга бўлиши керак.

22-модда. Космик объектиларни ва техника воситаларини утилизация қилиш

Космик фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар космик объектиларни ва техника воситаларини утилизация қилиш учун утилизация қилиниши лозим бўлган космик объектларнинг ва техника воситаларининг рўйхатини махсус ваколатли давлат органига тақдим этади.

Космик объектиларни ва техника воситаларини утилизация қилиш танланган технологияларга ҳамда иқтисодий мақсадга мувофиқлигига қараб, улардан фойдаланиш (уларни сақлаш) жойида ёки космик объектиларни ва техника воситаларини утилизация қилиш билан шуғуullanувчи ихтисослаштирилган ташкилотларда амалга оширилади.

Космик объектиларни ва техника воситаларини утилизация қилишга доир ишлар, экология, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, ўлчовларнинг бир хиллигини таъминлаш ва аҳолининг санитария-эпидемиологик оёсайшталигини таъминлаш соҳасидаги талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Фойдаланишдан чиқарилган космик объектиларни ва техника воситаларини утилизация қилиш тартиби халқаро шартномаларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

23-модда. Космик фаолият объектиларини ижарага бериш

Космик фаолият объектиларини космик фаолият субъектларига ижарага бериш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

4-боб. Космик инфратузилма

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг космик инфратузилма объектилари

Ўзбекистон Республикасининг космик инфратузилма объектилари космик фаолиятнинг асосини ташкил этади ва қуйдагиларни ўз ичига олади:

ер усти космик инфратузилмаси объектиларини;

космик объектиларни.

Ўзбекистон Республикасининг космик инфратузилма объектилари муҳим стратегик аҳамиятга эга объектлардир.

25-модда. Ер усти космик инфратузилмаси объектилари

Ер усти космик инфратузилмаси объектилари жумласига қуйдагилар киради:

илмий-техник ва тажриба-экспериментал космик тадқиқотлар базаси;
космик фаолиятни амалга ошириш учун мўлжалланган космик технологиялар ва космик ракета комплексларини ишлаб чиқариш воситалари;

космодромлар;
космик ракеталардан ажралиб чиқувчи қисмларнинг қулаш ҳудудлари;
космик объектиларни ердан бошқариш комплекслари;
космик объектлардан маълумотларни олиш, уларга ишлов бериш ва уларни тарқатиш учун мўлжалланган ер усти мажмуалари;
космик фаолиятда фойдаланиладиган бошқа ер усти иншоотлари ва техника воситалари.

Ер усти космик инфратузилмасининг хавфсизлигини ва ундан хавфсиз фойдаланилишини таъминлаш учун қўриқланадиган ер участкалари ташкил этилади.

ВАТАНГА САДОҚАТ ВА ШОН-ШАРАФ ШОДИЁНАСИ

Мамлакатимизда Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 33 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунги кенг нишонланмоқда.

Бу йил қутлуг байрамнинг шуқуҳи янада улугворлик касб этди. Мамлакат бўйлаб “Янги Ўзбекистон армияси — мамлакат таянчи, халқимиз фахри!” шioriни ўзида муҳассам қилган ватанпарварлик ойлиги доирасида турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, фестиваллар ўтказилди.

Шуқуҳ

Пойтахтимизда 14 январь кунги бир қатор байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизими вакиллари Ватанимизнинг шoнли тарихи, шиддатли янгилашиллар, тараққиётимиз ва маърифий юксалиш рамзи бўлган “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб, ҳарбий оркестр мусиқа садолари остида Мустақиллик монументи пойига гуллар қўйди.

Ватан ҳимоячилари кунги муносабати билан пойтахтимиздаги муҳташам “Халқлар дўстлиги” санъат саройида ўтказилган тантанали тадбирда сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучлар фахрийлари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари ва кенг жамоатчилик иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳдиҳиси янгради.

Мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунги муносабати билан йўллаган байрам табригини мудофаа вазири, генерал-майор Шўҳрат Холмуҳамедов ўқиб эшиттирди.

Табрикда таъкидланганидек, кейинги йилларда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар тўғййли Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашнинг чинакам кафолатига айланиб бормоқда.

Барча қўшин турлари замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарлиги узлуксиз ошиб бормоқда. Миллий армиямиз ёшларимиз учун мардлик ва шон-шараф мактабига айланмоқда.

Энг муҳими, халқ билан армия тобора яқин бўлиб бораётгани ҳарбий соҳа ривожига янгича куч ва сифат бағишланмоқда.

Айни чоғда барчамиз яхши англаймизки, ҳозирги вақтда, дунё микёси-

да турли хавф-хатарлар, қуролли тўқнашувлар тобора авж олиб бораётган ўта мураккаб вазиятда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва маънавий шайлигини ошириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этаётир.

Шу муносабат билан “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида бу борада бошланган ишлар мутлақо янги сифат босқичига қўтарилади. Хусусан, Қуролли Кучларимизни янги, модернизациялашган ўт очиш тизимлари ва техника билан таъминлаш ҳарбий ҳаракатлар театри хусусиятларини, қўшинларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда давом эттирилади.

Тантанали тадбирда қайд этилганидек, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мактабларда бошлангич ҳарбий таълим сифатини ошириш, ўқувчи ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини қўайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли



Сирожидин ВОҲИДОВ олган сурат.

Кучларимиз фахрийларини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бундан бўён ҳам эътибор марказида бўлади.

Умуман, бугунги кунда барчамиз — қайси соҳа ёки тармоқда, қандай лавозимда ишламайлик, Ватан ҳимоячиси бўлишимиз зарур. Бу талабни даврнинг ўзи олдимизга қатъий вазифа қилиб қўймоқда ва халқимиз ҳам бундан айнан шуни кутмоқда.

— Аслида осойишталикда ўтган

ҳар бир кун байрам, — дейди подполковник Зокир Яллакаев. — 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунги эса юртимизда умумхалқ байрамига айланган. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар натижасида тизимимиз моддий-техника базаси тубдан янгиланмоқда, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўлида қатор имтиёзлар берилмоқда. Табрикни тинглар эканман, со-

Сенат қўмиталарида

ЮКСАК МАРРАЛАР УЧУН МУСТАҲКАМ АСОС



Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси мажлисида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди.

Ушбу лойиҳада “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 5 та устувор йўналиши қесимида 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар режаси, жорий йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати ва мақсадли кўрсаткичлар ўз ифодасини топган. Унда кўзда тутилган янгича ёндашувлар 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсишини камида 6 фоизга етказиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мақсадларига эришиш учун мустаҳкам асос яратди.

“Яшил” энергетика миллий иқтисодиётимиз драйверига айланаётгани боис бу йўналишда кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифалар белгиланаётир. Жумладан, аҳоли ва тад-

биркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида шу йил 1 апрелдан бошлаб чиқиндилар утилизацияси ҳисобига ҳамда шамол ва кўёш манбаларидан ишлаб чиқарилган электр энергияси учун “яшил тариф”ларни жорий қилиш таклиф этилмоқда.

Давлат дастури лойиҳасида мамлакат иқтисодиётини янги сифат босқичига олиб чиқиш учун иқтисодий ўсишни камида 6 фоиз даражасида таъминлаш, бу жараёнда ички жангармалар ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ўрганиш режалаштирилган.

Шунингдек, тадбиркор-

лар билан корхонабай ишларни ташкил қилиш ва маҳаллий маҳсулотларнинг экспорт географиясини кенгайтириш, “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” бренди остида маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги ўрнини мустаҳкамлаш орқали 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш кўзда тутилмоқда.

Муҳокама якунида эртанги кунимизни янада фаровон этиш, мамлакатимиз тараққиётини юқори поғонага қўтаришга йўл очувчи муҳим дастур лойиҳасини тақомиллаштириш ва қабул қилиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Тадбиркорлик субъектлари факторинг хизмати орқали молиявий қўллаб-қувватланади

Мажлисида, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, кредит соҳасидаги муносабатларни янада тақомиллаштириш, аҳоли манфаатларини таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди.

Унда тадбиркорлик субъектларига факторинг хизмати кўрсатишга ихтисослаштирилган факторинг ташкилотларини ташкил этиш, уларни нобанк кредит ташкилоти сифатида реестрга киритиш ва фаолиятини Марказий банк томонидан тартибга солиш белгиланмоқда.

Шу билан бирга, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш бўйича тақиқни бузганлик учун жавобгарликни бекор қилиш, мижознинг контрагенти норезидент бўлганда факторинг операцияларини хорижий валютлада амалга оширишга рўхсат бериш, пул талабномасидан воз кечиш тўғрисидаги хабарномаларни гаров реестрида рўйхатга олишни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Қонун лойиҳаси билан пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар киритилаётгани ҳамда пул талабномасидан воз кечиш тўғрисидаги хабарномани гаров реестрида рўйхатга олиш тартибини ўрнатишга оид масалалар депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Мижознинг контрагенти норезидент бўлганда факторинг операцияларини чет эл валютасида амалга ошириш учун рўхсат беришга, шунингдек, молия агентлари ҳамда қарздорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини қўайтиришга қаратилган ўзгартириш ва

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲАЁТИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб қўйи палата Спикери Н. Исмоилов ўтган ҳафтада “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йилида амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани ҳақида тўхталиб, мамлакатимиз ҳаёти учун долзарблиги ва “яшил” ривожланиш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб берган дастуриламал ҳужжатда 5 та устувор йўналиш бўйича 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилганини қайд этди. Айни пайтда сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар давлат дастури лойиҳасини тақомиллаштиришда таклиф ва тавсияларни билан фаол иштирок этаётганини таъкидлади. Ушбу масала юзасидан сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари ҳам ўз муносабатларини билдириб ўтишди.



транспорт воситалари ҳаракатига ҳалқат беришдаги шарти билан йўлга чиқиш, қатнов қисмининг четки ўнг томонида йўловчиларни чиқариш ва тушириш учун жавобгарлик назарда тутилмайди.

Шунингдек, депутат қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш давомида берилган таклифлар инобатга олингани, айрим нормаларга ўзгартиришлар ҳамда лингвистик таҳририй тузатишлар киритилгани бўйича ҳам маълумотлар бериб ўтди. Таъкидлаб ўтилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат транспортида йўловчиларга сифатли ва қўлай хизмат кўрсатилишини ташкил этиш ва жамоат транспорти ҳаракати устуворлиги ҳамда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Транспорт воситалари ҳаракати устуворлиги йўлида

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамоат транспортидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Ушбу лойиҳа юзасидан маъруза қилган депутат Улугбек Қобуловнинг қайд этишича, қонунчиликда йўналишларни транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланганлиги учун жавобгарликнинг назарда тутилмагани жамоат транспорти қатнови мунтазамлиги ва эркин ҳаракатланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўналишларни транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан ҳаракатлангани учун жавобгарлик белгилангани. Бунда алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан тезкор ва махсус хизматларнинг транспорт воситалари ҳаракатлангани, ёндаш ҳудудини кириш ёки чиқиш жойидан 50 метр масофада узуқ-узуқ чиқишли жойгача ёхуд яқин масофадаги узуқ-узуқ чиқишли жойгача ҳаракатланганлиги, йўналишли

Фуқаролар номига уларнинг хабарисиз кредитларни расмийлаштиришга йўл қўйилмади

Мажлисида кредит соҳасидаги муносабатларни янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда модама-модда қўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонунга жисмоний шахсларнинг улар билан кредит битимларини тузишга тақиқ белгиланган ва уни олиб ташлашга бўлган ҳуқуқларини, уларнинг кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритилишининг тартиби ва шартларини, шунингдек, кредит ахборотидан фойдаланувчиларнинг белгиланган тақиқни бузган ҳолда кредит битими тузганлиги учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Депутатлар лойиҳадаги жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни кредит битими тузиш тақиқланган шахслар реестрига киритиш тартиби ва бу жараёнда жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва кредит бюроларининг мажбуриятларига доир нормалар фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда қонун нормаларининг амалиётда бир хил қўлланилиши мақсадида аниқлаштирувчи тузатишлар киритилганини қўллаб-қувватлашди.

ҳага қаратилаётган эътибор натижасида янги Ўзбекистон армияси мамлакат қудрати, чексиз ифтихор ва садоқат намунасига айланганидан яна бир бор фахр туйдим. Энг муҳими, халқимизнинг Ватан ҳимоячиларига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда. Бу ишонч бизга Ватанимиз тинчлиги ва осмонимиз мусаффолигини кўз қорачиғидек асрашимизда куч-қувват бағишлайди.

Тантанали маросимда “Амир Темури марши” янграб, концерт дастурини бошлаб берди. Мардлик, жасорату фидойилик, қаҳрамонликни улугворчи мазкур марш куч тузилмаларининг Марказий ашлу ва рақс ансамбли хонандалари, хаваскорлик жамоалар ижросидаги она Ватан ҳамда миллий армиямиз куч-қудратини улугворчи туркум куй-қўшиқларга уланди.

“Булбулча” болалар хор ва рақс ансамбли ҳамда Республика ихтисослаштирилган хореография мактаб-интернати ўқувчиларининг ижодий чиқишлари ҳам кечага ўзгача фазл бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов иштирок этди.

Азиз НОРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 12 620 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғоқ бичими А—2. Баҳоқис қилинган нархда.

Газетани ҳақиқатда маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилбист 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган қўлаёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзқазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета таҳририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳис — Ш. Машрабозов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турун кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.35 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6